



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

№4/2

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

## МУНДАРИЖА:

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Мухаммедович Мухаммедов</b> Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари	5
<b>Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov</b> Don va un mahsulotlari bozorida iste‘molchi xulq-atvori mezonlarini qo‘llash imkoniyatlari	11
<b>Шавкат Собирович Олтаев</b> Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли турмуш даражасининг иқтисодий мазмуни ва уни ўлчаш кўрсаткичлари	14
<b>Shirinboy Bo‘ron o‘g‘li O‘razaliyev</b> Funksiya hosilasining iqtisodiyotdagi o‘rni	17
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Сарвар Аюбовна Исхакова</b> Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации национальной экономики	20
<b>Шехроза Маджитовна Каримова</b> Инновации в сфере услуг общественного питания	25
<b>Рахима Жамshedовна Курбанова</b> Хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказишни татбиқ этиш модели	28
<b>Зарина Муродовна Мухаммедова</b> Хизматлар соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмлари	34
<b>Eldor Anvarovich Nozimov</b> Xizmat ko‘rsatishda elektron tijoratni samaradorligini oshirish	39
<b>Shohista Baxriddin qizi Turdiyeva</b> Elektron savdo va uning o‘ziga xos jihatlari	42
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Жунайдилло Садиевич Файзиев</b> Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш – иқтисодий ривожланиш гаровидир	45
<b>Ғайрат Яхшибаевич Пардаев, Акрам Джуракулович Ғафуров, Рузбой Нормаматов</b> Грек ёнғоғи мевасининг истеъмол қиймати ва ёнғоқ етиштиришда кўрсатиладиган хизматларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	50
<b>Shohruh Zafar o‘g‘li Jalilov</b> Bog‘dorchilik tarmog‘ida investitsion faoliyatining nazariy asoslari	53
<b>Muslimaxon G‘ayratjon qizi Sotvoldiyeva</b> Ekologik va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda suv resurslarining ahamiyati va boshqaruvi	57
<b>МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева, Мирзо Улугбекович Болтабоев</b> Меҳнат бозори трансформациясида “юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти	62

## НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори  
Мурод Мухаммедович Мухаммедов – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

### МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари қараб чиқилган. Бунда мамлакатимизнинг 2022-2026 йилларга ва «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган тараққиёт стратегияларида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг айримларига аҳамият берилиб, ривожланишнинг 16 та йўналишини келтирган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ислоҳотлар, саноат, қишлоқ хўжалиги, фаровонлик, яшаш сифати, стратегия, тараққиёт стратегияси, Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон.

**Кириш.** Дунё харитасида бундан 33 йил муқаддам, яъни 1991 йил 31 август куни янги суверен ва мустақил давлат кўп миллатли Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Шу кундан бошлаб халқимиз ўз Ватани, тақдири ва келажагига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шу кундан бошлаб мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига тушиб олди ва кенг қўламли ислоҳотларимизни изчил давом эттириш имкониятини ҳам қўлга киритди. Мустақил тараққиётимиз натижасида Ватанимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги давр бошланди. Бу давр мобайнида барча соҳа ва тармоқлар ривожини янги босқичга олиб чиқиш стратегияси ишлаб чиқилди ва бу стратегия изчиллик билан давом этмоқда. Бу мамлакатимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида. Мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси кенг қўламли стратегия бўлиб, бугунги кунда “**Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!**” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ҳолда ривожланиш босқичида давом этмоқда. Ушбу йўналишни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони ҳам эълон қилинди. Шу тариқа тараққиёт стратегиясининг иқтисодиётга оид жиҳатлари ҳам бир қанча йўналишларда амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишларни тизимлаштириш ва ўқувчилар эътиборига етказиш ўта муҳимдир. Шу жиҳатдан мазкур мавзу бугунги кунда долзарб масалалар сирасига киради.

**Тадқиқот методологияси.** Мавзуни ёритиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез услублардан ва ёндашувлардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда дунёда интеграциялашув жараёни давом этиб, иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳам глобаллашган ҳолда ривожланиш босқичига кирди. Бундай шароитда “Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш” масаласи «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида алоҳида қайд этилган. Буларни инобатга олиб, ушбу йўналишларнинг айримларига эътиборни қаратамиз:

**Биринчидан,** тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича бир қанча вазифалар белгиланди. Бунда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш учун тадбиркорликка кенг йўл очиш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Чунки бу йўл мамлакатимиз учун ўта зарур бўлган янги иш ўринлари яратиш орқали камбағалликни қисқартириш, ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга эришишнинг муҳим омилига айланди. Бунинг учун миллий

иктисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича 15 та мақсадга (21-35) жойлаштирилган вазифалар белгиланди.

**Иккинчидан**, иқтисодий ислохотларнинг энг муҳимларидан бири, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда (2022-2026 йиллар) аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш вазифаси қўйилган. Бунга албатта ўз-ўзидан эришилиб қолмайди. Бунинг учун макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш керак бўлди. Энди ушбу ўсиш даражасини ушлаб туриш ҳам жуда кўплаб ташкилий тадбирларни талаб қилади. Бу борада ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

**Учинчидан**, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш лозим бўлмоқда. Шу туфайли саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра республикамизда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 69 628 тага етган. Бу жами фаолият юритаётган корхоналарнинг 14,6 % улушини ташкил этди<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда саноат корхоналарининг улуши унчалик юқори бўлмасда, етарли даражада маҳсулот етказиб бериш билан бирга чет мамлакатларга экспорт қилиш орқали, ушбу соҳада ҳам Ўзбекистон шаънини ошириб келмоқда.

**Тўртинчидан**, мамлакатимиз учун ўта долзарб бўлган яна бир муҳим масала мавжуд энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштиришга қаратилган. Бу борада ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш масаласи ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига нефть-газ маҳсулотларини узлуксиз етказиб берилишини таъминлашга ҳам катта аҳамият берилиб, бу бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, жорий 2023 йилнинг январь-ноябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси экспортида энергия ва нефть маҳсулотлари 6 ўринда бўлиб, шу даврда 619,6 млн. АҚШ долларга тенг маҳсулот сотилган<sup>2</sup>. Мазкур масала юзасидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**Бешинчидан**, бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш глобал муаммолардан бирига айланган. Бу масала бизни ҳам четлаб ўтаётган эмас. Шу туфайли мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастури ҳам ишлаб чиқилган ва тизимли равишда амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисми уй хўжаликларида етиштирилади. Шу туфайли йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ҳамда аҳоли ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш масаласи ҳам кун тартибидан амалга оширилиши кўзда тутилган муҳим вазифалар сирасига киради. Ушбу жараёнларнинг самарадорлигини ошириш учун саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини, қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳосилдорликни ошириш, аҳоли ўртасида масъулликни уйғотишни кенг жорий қилиш юзасидан ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада тўйиб овқатланмайдиганлар улуши рейтингда Ўзбекистон маълумотлари ижобий томонга ўзгарди ва 2020 йилда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумоти бўйича 6,3 %ни ташкил қилмоқда<sup>3</sup>.

**Олтинчидан**, мамлакатимиз иқтисодиётида геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб

<sup>1</sup> [https://t.me/statistika\\_rasmiy/3802](https://t.me/statistika_rasmiy/3802)

<sup>2</sup> [https://t.me/statistika\\_rasmiy/697](https://t.me/statistika_rasmiy/697)

<sup>3</sup> [https://t.me/statistika\\_rasmiy/543](https://t.me/statistika_rasmiy/543)

қилиш масаласи ҳам устувор вазифалардан бирига айланган. Истикболли майдонларда геология-қидирув ва конларда қазиб олиш ишларига шаффоф механизмлар асосида маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш ишлари ҳам тизимли равишда амалга оширилмоқда. Яна бир муҳим масала, иқтисодийимиз учун зарур минерал хом ашё базасини кенгайтиришдан иборатдир. Бу борада ҳам тегишли ишлар қилинмоқда. Бу тадбирларнинг муҳим йўналишларидан бири геология соҳасида замонавий таълим стандартларини кенг жорий этган ҳолда, малакали кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишдан иборатдир. Шу туфайли мамлакатимиз олимлари томонидан катта ҳажмдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

**Еттинчидан**, тараққиёт стратегиясида иқтисодийни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодий» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодийнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш эвазига 2026 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 миллиард кВт.соатга ошириб, жами 100 миллиард кВт.соатга етказиш вазифаси белгиланган эди. Бу мамлакат иқтисодийига катта самара беради. Хусусан, 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилига қарийб 3 миллиард куб метр табиий газни тежаш имконияти яратилади. Шу йўл билан ҳам халқ фаровонлигига эришилади.

**Саккизинчидан**, мамлакатимизда мустақиллик йилларида автомобиль саноатини ривожлантириш борасида тегишли тажрибалар ортирилди. Мазкур соҳада кооперацияни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш масаласида ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқаришини ягона саноат кластери усулида ташкил этиш борасида ишлар давом этмоқда. Муҳими мамлакатимизда ҳам электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Булар билан биргаликда уй-жой-коммунал хўжалиги, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш ҳамда ушбу чоралар “Яшил иқтисодий” билан қўшиб олиб борилганда иқтисодий тармоқларининг ҳавога чиқарадиган зарарли газлар ҳажмини бир бирлик Ялпи ички маҳсулот ҳисобида 10 фоизга қисқартиришига эришилади. Бу ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлган атмосферанинг экологик тозаллигига хизмат қиладиган чоралардан биридир.

**Тўққизинчидан**, мамлакатимизнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ва “Ўзбекистон - 2030” тараққиёт стратегияларида рақамли иқтисодийни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни амалга ошириш кўзда тутилган эди. Шу туфайли рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобиль йўлларини кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш юзасидан жадал ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, иқтисодийнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш кўзда тутилган. Натижада, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш масаласи устида иш олиб борилмоқда.

**Ўнинчидан**, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг юксалишида инвестициянинг ўрни ҳам бекиёс. Шу туфайли инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда ва бу борада тегишли таъсирчан чоралар амалга оширилмоқда. Бу борада инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, «пастан-юқорига» тамойили асосида, янги тизим йўлга қўйилмоқда. 2026 йилгача мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш юзасидан ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айнан Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш

кўзда тутилган. Ушбу вазифаларнинг изчиллигини таъминлаб туриш учун ҳар йили Тошкент шаҳрида «Тошкент халқаро инвестиция форуми»ни ўтказиб бориш масаласи ҳам амалга оширилмоқда.

**Ўн биринчидан,** мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш масаласи ҳам янги тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларида биридир. Ушбу йўналиш орқали 2026 йилда мамлакатимизнинг экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган. Бунга эришиш учун ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ишларга хусусий сектор имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш эвазига, унинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш масаласи қўйилган. Мамлакат экспортини ривожлантиришда экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш бўйича мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини ҳам янада ривожлантириш лозим бўлмоқда. Шу ўринда автотранспорт воситалари экспортини 3 бараварга ошириш ва 1 миллиард АҚШ долларига етказишнинг ўзи ҳам келгусида экспорт салоҳиятимизнинг етарли даражада эканлигидан далолат бериб турибди.

**Ўн иккинчидан,** тараққиёт стратегиясида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга чиқаришда кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш ҳисобига экспортчи корхоналар сонини ҳозирги 6500 тадан 15000 тага, товарларнинг экспорт географиясини 115 тадан 150 тага етказиш кўзда тутилган. Ушбу вазифаларнинг бажарилишида туризм, транспорт, ахборот-коммуникация, жумладан дастурий таъминотлар ва бошқа хизматлар экспорти муҳим роль ўйнайди. Буларни инобатга олиб ушбу соҳани 2026 йилга қадар 1,7 бараварга ошириш ёки 4,3 миллиард АҚШ долларига етказиш вазифаси белгиланган. Бунга эришиш учун мамлакатимизда экспортчи корхоналарга қўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда. Натижада экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириб, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш юзасидан кенг қўламли ишлар ҳам олиб борилмоқда. Маълумки, мамлакатимизда «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» ғояси асосида 200 та экспортчилар очик танлов асосида саралаб олиниб, фаолият кўрсатмоқда. Улар келажакда етакчи экспортёрларга айлантирилади. Бу борада экспортёрлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Яна бир муҳим жиҳат, ҳозир қўшни давлатлар билан чегара ҳудудларда эркин савдо зоналари фаолиятини йўлга қўйилади.

**Ўн учинчидан,** иктисодиётнинг драйвери бўлган туризм соҳаси ҳам охириги йилларда мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Бунда туристик объектларни ва инфратузилмаларни сайёҳларга хизмат кўрсатишга мослаштириш, уларга сайёҳларни жалб қилиш ҳамда уларнинг мамлакатимизда бўлиш муддатларини узайтириш мақсадида тарихий-маданий, зиёрат, экологик, этнологик, гастрономик, маданий-маърифий, археологик, соғломлаштириш ва қишлоқ хўжалик туризмини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Натижада мамлакатимизга турли давлатлардан ташриф буюрган туристлар сони шу қисқа муддатда катта кўрсаткич даражасида ўсган. Биргина мисол, яқинда туристик алоқаларни йўлга қўйган Италия давлатидан туристлар ташрифи қарийб 5 баробарга ошган. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь-апрель ойларида 5 004 нафар Италия фуқаролари туристик мақсадларда Ўзбекистонга ташриф буюрган. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 3 953 нафарга ёки 4,8 мартага ошган. 2023 йилнинг январь-апрель ойларида Ўзбекистон Республикасига келган Италия фуқароларининг сафар мақсадлари қуйидагича: дам олиш (туризм) мақсадида 4 287 нафар, қариндошларни йўқлаш учун 490 нафар, хизмат юзасидан 181 нафар, ўқиш мақсадида 36 нафар<sup>1</sup> туристлар ташрифи амалга оширилган. Бу биргина давлат мисолида шундай. Кўриниб турибдики, туризм соҳаси жадал ривожланиш босқичида.

**Ўн тўртинчидан,** мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад

<sup>1</sup> [https://t.me/statistika\\_rasmiy/3669](https://t.me/statistika_rasmiy/3669)

манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Худудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Тараққиёт стратегиясида хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиб бериш орқали иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтиришга эришилади. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 июль ҳолатида, жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 477 722 та (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) бўлиб, шундан 67 516 таси хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда<sup>1</sup>. Буларнинг улуши 14,1 %ни ташкил қилади. Келажакда буларнинг улуши кескин ошиб боради.

**Ўн бешинчидан,** мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсификациялаштириш орқали қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини оширишга қаратилган. Бунда деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун қишлоқ жойларда, айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иш ўринларини яратиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мазкур соҳанинг ривожланишида илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимининг аҳамиятидан келиб чиқиб, уни такомиллаштириш масаласи ҳам устуворликни ташкил қилади. Аммо, айрим туманларнинг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган ва аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш учун етарли далиллар шакллантирилмаган. Шу туфайли ушбу масалани изга солиш учун ҳам илм-фан ютуқларидан фойдаланилади. Бунинг учун нуфузли халқаро илмий марказлар ва олий таълим муассасалари билан биргаликда Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган. Аграр соҳада илм-фан ва амалиёт интеграциясини чуқурлаштириш, аҳоли томонидан томорқалардан самарали фойдаланилиши учун шароитлар яратиш, шу тариқа агросаноат корхоналарини хом ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар ошириш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш орқали экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсификациялаш боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш устида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Агрологистика марказларини ривожлантириш ва замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш билан бирга уруғчилик ва кўчат етиштириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш масаласи ҳам кун тартибидаги долзарб масалалардин бири ҳисобланади.

**Ўн олтинчидан,** мамлакатимизда сув ресурслари билан боғлиқ муаммолар ҳам кескинлашиб борганлиги туфайли ушбу масалага ҳам етарлича аҳамият берилмоқда. Сўнгги йилларда иқлимнинг глобал ўзгариши натижасида кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида сув ресурсларига бўлган муносабатни ўзгартириш лозим бўлмоқда. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни тежаш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш натижасида камида 7 миллиард куб метр сувни тежаш кўзда тутилган. Бунга эришиш учун сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камайтириш ҳам кўзда тутилган. Соҳада самарадорликка эришиш учун сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда сув ресурсларини бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда сув муносабатларини янада такомиллаштириш объектив заруриятга айланди. Бу эса сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш юзасидан мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Шунга қарамадан, қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш, сув танқислиги шароитида истеъмолчилар ўртасида сув тақсимлаш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда сувдан фойдаланиш самараси пастлигича қолмоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида, сув

<sup>1</sup> [https://t.me/statistika\\_rasmiy/3807](https://t.me/statistika_rasmiy/3807)

ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларга хусусий секторни кенг жалб қилиш масаласини ҳам қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Тараққиёт стратегиясида Республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш, 32 та йирик шаҳарлар ва 155 та туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш масаласи қўйилган. Бу борада ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Эндиликда сув таъминоти қувурларидаги сув сириқиш нуқталарини сунъий йўлдош технологияси орқали масофадан зондлаб аниқлаш ва таъмирлашга замонавий технологиялар жорий этилиши кўзда тутилган.

**Хулоса қилиб айтганда**, шу тарихан қисқа вақт давомида элимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан амалга оширилган ислохотлар натижасида миллий ўзлигимиз, асл қадриятларимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз ва анъаналаримизга асосланган Янги Ўзбекистон тикланмоқда, давлат ва жамият ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамжамятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Ишлаб чиқилган йўналишлар вазирлик, ҳокимият ва қўйи буғин ташкилотлари амалиётига қўлланилса, ҳар бирининг соҳаси бўйича тараққиёт стратегиясини шакллантиришда дастурил амал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ушбу ҳолат “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларнинг асосий йўналишларини бажаришда бир мунча енгиллатишга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда имзоланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>

3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Хозирги замон ва янги Ўзбекистон. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2024.- 560 б.

4. Мухаммедов М.М. Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи: Амир Темур давридан то ҳозирги кунга қадар. Монография. - Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» 2022 . -440 бет.

5. Пардаев М.Қ. , Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодий стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. - Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» 2022 . - 228 бет.

Мухаммедов М.М., Пардаев М.Қ. Иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккур ҳақида нимани биласиз?. Илмий рисола. – Самарқанд, СамИСИ, 2024 – 46 бет.

<p style="text-align: center;"><b>М.Пардаев, М.Мухаммедов</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Основные направления социально-экономических реформ в нашей стране</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье рассмотрены основные направления социально-экономических реформ, проводимых в нашей стране. В этой связи было придано значение некоторым целям и задачам, предусмотренным в стратегиях развития нашей страны на 2022-2026 годы и стратегии «Узбекистан – 2030», а также предложены 16 направлений развития.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> экономические реформы, социальные реформы, промышленность, сельское хозяйство, процветание, качество жизни, стратегия, стратегия развития, «Новая жизнь», «Новый Узбекистан».</p>	<p style="text-align: center;"><b>M.Pardaev, M.Muhammedov</b></p> <p style="text-align: center;"><b>The main directions of social and economic reforms in our country</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article examines the main directions of socio-economic reforms carried out in our country. In this regard, importance was attached to some goals and objectives provided for in the development strategies of our country for 2022-2026 and the strategy "Uzbekistan - 2030", and 16 development directions were offered.</p> <p><b>Keywords:</b> economic reforms, social reforms, industry, agriculture, prosperity, quality of life, strategy, development strategy, "New Life", "New Uzbekistan".</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.